Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Олимжоновни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бахтиёр Олимжонов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 5 апрель

Диққат, кўргазма!

«Тиббиёт — 99»

Бугун Тошкентдаги «ЎзЭКСПОмарказда» «Тиббиёт—99» ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаси очилади. Унда Ватанимиз ва дунёнинг элликдан зиёд илғор компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этади. АҚШ, Германия, Франция, Швейцария, Финляндия ва бошқа мамлакатларнинг дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт асбоб-анжомлари экспозициядан ўрин эгаллаган. Диагностика (рентген, ультратовуш, компьютер томографияси), лаборатория қурилмалари ва материаллари, асбоблари, жарроҳлик, анестезиология ва реанимация, стоматология, кардиология, гастроэнтериология, онкология, эндрокринология, пульмонология, психиатрия ва бошқа қурилмалар ҳам ўз баҳосини кутади.

Кўргазмада жаҳонга машҳур фирмалар қатори Ўзбекистон фармацевтика ва тиббиёт саноати корхоналари ҳам иштирок этади. «Медиз» қўшма корхонаси, «Кетгут — Силк» акционерлик жамияти шулар жумласидандир.

Кўргазмада турли фирмаларнинг вакиллари бўлмиш юксак малакали мутахассислар тиббиёт техникасидан фойдаланиш усуллари ҳақидаги маслаҳатларини аямайдилар, турли доираларда музокаралар олиб борадилар ва шартномалар тузишга кўмаклашадилар. Кўргазма 9 апрелда якунланади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

Фойдали ҳашаротлар

Ҳар хил кимёвий дорилардан юраклар зада бўлиб қолгани боис, эндиликда биологик йўл билан кураш давр тақозосига айланиб бормоқда. Буни Бекобод туманидаги хўжаликлараро биофабрикада фойдали ҳашаротларни кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилаётганидан-да билса бўлади. Жорий йилда 8 миллионта хробракон, бир миллионта олтинкўз, 120 килограмм трихограмма ҳамда бошқа фойдали ҳашаротлар етиштириш режалаштирилган. Бу деган сўз 20 минг гектар майдондаги ғўза зараркунандаларини биологик йўл билан йўқотиш демак.

Ўргимчаккана, кўсак қурти, шира каби зараркунандаларга қарши курашда самарали восита ҳисобланган биофабрика маҳсулотига кўп вилоятлардан буюртмалар тушмоқда.

Умматали ТЎРАХОНОВ

Унвон

Олимларнинг дўсти

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди.

Ўзбекистон раҳбари бу юксак унвонга республикада Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ишлаб чиққанлиги ва амалга ошираётганлиги учун сазовор бўлди.

1997 йилда қабул қилинган мазкур дастур узлуксиз таълим модели бўлиб, шахс манфаатларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит ва таъсирчан механизмни яратиш унинг марказида туради.

Республикада туб ўзгаришларни ҳаракатлантирувчи куч — инсоннинг бирламчи принципларини ҳаётга тадбиқ этиш бўлиб, у Ўзбекистон таълим моделининг энг муҳим вазифасидир. Дастур ёшларнинг мактабгача ёшидан тортиб, магистратурани тугатгунча бўлган бутун бир даврни қамраб олади. Бунда тўққиз йиллик умумтаълим ва уч йиллик махсус таҳсил — мажбурийдир.

Президент Ислом Каримов ўз китоблари, мақолалари, маърузаларида таълимнинг устуворлиги ва уни янада демократлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Ўзбекистон раҳбари жаҳон қиёфаси яхлитлиги, юксак маънавият ва башарий тафаккурнинг асоси бўлмиш таълимни ижтимоийлаштиришни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Республикада қатор янги университетлар ва институтлар очилди, етакчи олий таълим даргоҳлари ҳар томонлама мустаҳкамланди.

1998 йилда 35 та янги коллеж қуриб ишга туширилди, жорий ва келгуси йилларда яна 317 та лицей ҳамда коллеж барпо этилади. 1999 йилда республика ялпи ички маҳсулотининг 8,1 фоизи таълим соҳасига йўналтирилиши, ўтган йил бу улуш 7,6 фоизга тенг бўлгани эътиборга олинса, лицей ва коллежларни қуриш режалари бажарилиши равшан бўлади.

Таълимнинг янги усуллари орасида — Тошкент Иқтисодиёт университети ҳузуридаги бизнес таълими, Молия институти қошидаги солиқ органлари учун кадрлар тайёрлаш маркази тузилмалари алоҳида диққатга сазовор. Ўзбекистон ёшлари жаҳоннинг энг нуфузли университетларига таълим олиш учун юборилмоқда.

Валерий БИРЮКОВ.

Тошкент.
(«Труд» газетасининг 1999 йил 2 апрель сони)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 6 апрель, сешанба • № 43 (24.438).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МДҲ: Ислом Каримов ғояларининг яна бир эътирофи

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлат раҳбарлари Кенгашининг Россия Федерацияси пойтахтида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида иштирок этиб қайтди.

Ташриф якунлари ҳақида сўз бошлашдан олдин, даставвал, олий даражадаги учрашувнинг натижаларига тўхталиш жоиздир. Таъкидлаш лозимки, Москва саммитида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Хусусан, МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида Декларацияси ҳамда 1994 йил 15 апрелдаги Эркин савдо зонаси яратиш ҳақидаги битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Протокол имзоланди, МДҲ органларида раислик тартиби тўғрисидаги қарор ва жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш борасидаги концепция қабул қилинди. Диққатга молик яна бир муҳим ўзгариш Ҳамдўстлик ижроия котибиятини тубдан ислоҳ қилиш борасидаги келишувдир. Юртбошимиз Москва саммити сафари олдидан журналистларга берган интервьюсида МДҲ мамлакатларининг «бошини қовуштириш» учун ташкил этилган бу идораларнинг самарасиз фаолияти ҳақида тўхталиб, улардаги ходимлар сонини кескин қисқартириш лозимлигини таъкидлаганди. МДҲ давлат раҳбарлари Кенгашининг саммитида бу таклиф қўллаб-қувватланди: эндиликда МДҲ органларини ҳамда уларда хизмат қилаётган ходимлар сони камайтирилади, органлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаб турувчи бюджет уч баробар қисқаради, ҳар бир давлат қайси органда иштирок этишини ўзи белгилайди ва шунга яраша маблағ ажратади. Саммитда МДҲ Ижроия котибияти қўмитага айлантирилди ва Россия Федерацияси Президентининг Федерация кенгашидаги вакили Ю. Яров унинг раҳбари этиб тайинланди.

Айтиш керакки, навбатдаги саммитда эришилган натижаларнинг барчаси Ўзбекистон шу вақтга қадар илгари суриб келаётган ғоялар билан ҳамоҳангдир. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов МДҲ ҳақида сўз кетганда, аввало иқтисодий алоқаларни ривожлантириш лозимлигини кўп бор таъкидлаган. Аммо, айрим сиёсатчилар ҳозиргача бу тузилма таркибида ҳарбий-сиёсий блоклар тузиш, қатто унинг негизида мазмун-моҳияти жиҳатидан янги ниқобдаги собиқ иттифоққа яқин бўлган уюшма ташкил этишга уринишдан чарчамади. 2 апрель куни бўлиб ўтган саммит якунларига назар ташлар эканмиз, вақт ўтиши билан асоссиз ғоялар барибир пучга чиқишини, замон талабларига қарши бориб иш қилиб бўлмаслигини яққол кўрамиз. Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбари кўп бор таъкидлаганларидек, тарих ғилдирагини орқага айлантириб бўлмайди.

Яна бир мисол: Президент Ислом Каримов МДҲ доирасида эркин савдо зонасини яратиш, иқтисодий чегараларни имкон қадар очиш, яъни товарлар ва хизматларнинг божхона, транспорт йўлларидаги ва бошқа тўсиқлардан ўтишини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда енгиллаштириш Ҳамдўстликни ривожлантиришнинг бош омили эканини бир неча бор айтган эди. Юқорида санаб ўтилганидек, Москва саммитида имзоланганига бир неча йил бўлган, лекин ҳанузгача ишламай ётган «Эркин савдо зонаси тўғрисидаги битим»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида протокол имзоланди. У ўзида битимга киритилиши кўзда тутилган кўпдан-кўп қўшимча ва ўзгартишларни жам қилган бўлиб, бошқа давлатлараро ҳужжатлардан фарқли ўлароқ, саммитнинг барча иштирокчилари томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Эркин савдо зонасини яратиш Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг жаҳон хўжалик тизимига кириши, хусусан, Жаҳон савдо ташкилотига қабул қилиниши, бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантиришига кўмак беришига умид қилса бўлади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир ғоя Москва учрашувида ўз тасдиғини топди. Бу МДҲ органларининг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетгани, уларда хизмат қилаётган ходимлар фаолиятининг самарасизлигига тааллуқлидир. Дарҳақиқат, шу вақтгача минглаб одам ишлаётган бир неча муассасанинг бирор-бир амалий нафи кўзга кўринмади. Ваҳоланки, уларга қанча маблағ ва бошқа воситалар ажратилмоқда. Айни пайтда бу органларнинг бирор давлат учун фойдали ёки бефойда экани ҳисобга олинмасди, аъзо мамлакатлар ортиқча сарф-харажатларга дучор эди. Энди бу ҳолга чек қўйиладиган бўлди.

Яна бир гап. Саммитда давлат раҳбарлари ўзаро ҳурмат ва тенглик асосида муносабат қуришга тайёрликларини яна бир бор тасдиқлади. Айтиш кераки, гарчи собиқ иттифоқ аллақачон парокандаликка юз тутган бўлса ҳам айрим сиёсий доираларда бошқаларга «катта оға» бўлиш орзуси ҳали-ҳамон мавжуд эди. Москвадаги учрашувда ҳеч бир давлат бошқа бир давлатдан устун эмаслиги, муносабатлар таҳдид орқали ёки мажбурий эмас, балки ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш ва тенглик асосига қурилиши лозимлиги барча иштирокчилар томонидан тан олинди. Давлат раҳбарлари МДҲ фаолиятини такомиллаштиришнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш эканини ҳам таъкидлашди.

Шу ўринда коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома хусусида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, Ўзбекистоннинг бу шартномада бундан буён иштирок этмаслиги мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида бир неча ой илгари маълум қилинган эди. Бинобарин, мамлакатимизнинг ушбу шартномада иштирок этишдан тийилиши сабаблари барча ҳурфикр инсонларга олдиндан маълум. Шундай бўлса-да, бу сабаблар ҳақида қисман тўхталиб ўтиш жоиз. Ташқаридан хавф келганда, бир-бирига ҳарбий кўмак бериш, қўллаб-қувватлашни кўзда тутадиган мазкур ҳужжат амалда самара бермади. Аксинча, айрим ҳолларда унга зид ҳолатлар кўзга ташланди. Мисол тариқасида Озарбойжон билан Арманистон ўртасидаги муносабатларни келтириш мумкин. Коллектив шартномага аъзо икки давлат ўртасида кескин низолар келиб чиқиши бу ҳужжатнинг мантиғига тамомила зиддир. Шунга ўхшаш ҳолатни Грузия-Абхазия воқеаларида ҳам кузатиш мумкин. Демак, МДҲ доирасида имзоланган ва лекин ишламай ётган минглаб ҳужжатлар сингари бу шартнома ҳам фақат қоғозда қолиб келмоқда.

Шундай қилиб, Москва саммитида Ўзбекистоннинг МДҲ борасида аввалбошданоқ нечоғли тўғри йўл тутиб келганлиги яна бир карра ўз тасдиғини топди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов илгари суриб келган ташаббус ва таклифларнинг барчаси рўёбга чиқаётгани бунинг яққол далилидир.

Шуҳрат УМИРОВ,
ЎзА махсус мухбири.

Тошкент — Москва — Тошкент.

Суратда: учрашув пайти.
Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 6 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	72,80
1 Австрия шиллинги	8,99
1 Англия фунт стерлинги	184,06
10 Бельгия франки	30,66
1 Голландия гульдени	56,12
10 Греция драхмаси	3,80
1 Дания кронаси	16,66
1 БАА дирхами	31,26
1 АҚШ доллари	114,82
1 Миср фунти	33,67
10 Испания песети	7,43
100 Италия лираси	6,39
1 Канада доллари	76,60
1 Хитой юани	13,87
10 Люксембург франки	30,66
1 Малайзия ринггити	30,22
1 Германия маркаси	63,23
1 Польша злотийси	28,59
1 СДР	155,92
1000 Туркия лираси	0,31
1 Финляндия маркаси	20,80
1 Франция франки	18,85
1 Швейцария франки	77,49
1 ЕВРО	123,67
10 Жанубий Корея вони	0,94
10 Япония иенаси	9,52
1 Россия рубли	4,62
1 Украина гривнаси	29,20
1000 Белорусь рубли	0,48
1 Латвия лати	194,61
1 Литва лити	28,71
1 Молдова лейи	11,74
1 Қирғизистон соми	3,30

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Бу дунёнинг ишлари

Россия

Россия ва Украина Президентлари Б.Ельцин ҳамда Л.Кучма икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашди.

Президентларнинг таъкидлашича, мазкур шартнома XXI асрда икки мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорликка кенг йўл очиб беради.

Иордания

Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат бу ерда Иордания қироли Абдулла билан учрашиб, мустақил Фаластин давлатини эълон қилиш режалари билан ўртоқлашди. Арофат бу ишни шу йилнинг 4 майида амалга оширишга тайёр эканлигини бир неча бор айтган. Ўтган ойда Европа Иттифоқи Фаластин давлат ҳудуди ҳақида музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиққанди. Кейин эса бир йил ичида мустақил Фаластин давлатини тан олишига тайёр эканлигини билдирди.

Туркия

Туркия хавфсизлик қучларидан хабар қилинишича, мамлакатнинг шарқий қисмида кеча курд жангариси портлаб кетди. Унинг танасига портлаш қурилмаси ўрнатилганди. Портлашда бошқа қурбонлар бўлгани йўқ.

Яна бир улкан корхона ишга тушди

Наврўз нафаси кезаётган шукуҳли чоғларда Андижон шаҳрида автомобиллар ва қурилиш бўёқлари тайёрловчи «Ўз-Донгжу Пэинт компани» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси ишга тушди. Янги қўшма корхонанинг очилиш маросими тантанали бошланди. Ахир «ЎзДЭУавто» автомобиллари ва қурилиш учун жаҳон андозалари асосидаги бўёқларнинг бундан буён ўзимизда тайёрланиши жараёнини кўриш истиқлол нашидаси эмасми?

Навқирон ёшлар замонавий дастгоҳларни чаққонлик билан бошқараётганликларига балли дегингиз келади. Махсус устбош кийган йигитча тугмачани босган заҳоти, катта дастгоҳ «қўллар»и билан металлни аниқ ҳажмда кесиб идишга айлантирса, кейинги цехда бундай идишларга турли рангли бўёқлар қуйилиб қадоқланяпти. Тайёр, қадоқланган лак-бўёқ маҳсулотларини қўлингизга олиб кўраверинг! Кўз-кўз қилгудай, сифатига кафолат бор!

— «Ўз-Донгжу Пэинт компани» қўшма корхонаси йилига 3750 тонна автобўёқ, 2 минг тонна қурилиш бўёғи ишлаб чиқаради, — дейди қўшма корхона бош директори Зафар Зулунов. — Анча аввал ишга тушган қўшма корхонанинг биринчи навбатида «ЎзДЭУавто» учун 750 тонна турли бўёқлар тайёрлаб берилди. 2003 йилга бориб қўшма корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробарга ортади...

Янги қўшма корхонанинг очилишга бағишланган йиғилишда Андижон вилоят ҳокими Қ. Обидов, «Донгжу Индастриал» компанияси раиси Енг Кил Сон, Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Енг Ха Чой, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Исаев, «Ўзавтосаноат» ассоциацияси раиси Қ. Парпиевлар сўзга чиқдилар. Қўшма корхонанинг иқтисодий салоҳияти, дўстлик ва ҳамкорлик тимсоли эканини таъкидладилар. Тантанали йиғилишда янги корхонани бунёд этишда қатнашган илғор қурувчи, ишчи, муҳандис-техник ходимларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

Бир сўз билан айтганда, янги қўшма корхона республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Мероссиз «меросхўр»

«Энг ачинарлиси, мафкура соҳасида йўл қўйилган камчиликлар, муаммоларга юзаки қараш, ёшлар тарбияси ва уларнинг тақдирига бефарқ муносабатда бўлиш ёшлар орасида экстремистик диний оқимларга берилиш, гиёҳвандлик, турли жиноятлар содир этилишига олиб келмоқда», — деган эди Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида. Афсуски, жойлардаги айрим раҳбарлар бу ўринли танқиддан ҳамон тегишлича хулоса чиқариб олмаётганга ўхшайди. Мақоламиз қаҳрамонининг арз-доди бизни ана шундай хулоса чиқаришга мажбур қилади.

Комил Нуржонни воҳада танимаган одам кам топилади. Тиришқоқ одам, ўз касбига ўта фидойи. Ўлкашунослик, юрт тарихига оид ўнлаб китоб-рисолалар муаллифи. Чин маънода кўҳна Хоразм тарихи билимдони ва жонкуяри. Айнан вазифаси ҳам шунга монанд: «Олтин мерос» халқаро жамғармаси вилоят бўлими раиси.

Хизмат юзасидан, кўпинча тасодиф, одатда — бирор тарихий манбага муносабатини билиш учун учрашиб турамиз. Қолаверса, бир қатор мақолалар ва бир тарихий рисола ёзишда ҳаммуаллифлик қилганимиз бор...

Комил Нуржон қувониб юрганини кўриб қоламан: «Фалон қадимшунос кўҳна танга топиб олибди. Музейимизга харид қилиш борасида келишдик», — дейди у.

Дарҳақиқат, жамғарма қошида очилган музей қадим асори-атиқалари, тарихий ашёларга бойлиги билан вилоятдаги бошқа музейлар билан бемалол беллашгулик.

Комил Нуржон куйиниб юрганини кўриб қоламан: «Кўп эзгу ниятларимиз бору, маблағ масаласи сал чатоқроқ...» — деб ўкинади у.

...Яқинда Комил акани кайфиятсизроқ кўрдим. Сабабини сўрадим. У қўлимга бир қатор қоғоз-ҳужжатларни тутқазди: «Мана, мени ташвишлантириб юрган муаммолар. Бу борада маҳаллий раҳбарларга айтавериб, ёзавериб чарчадим, натижа йўқ. Ваъдалар бор... аммо бажарилмаганидан сўнг...»

Комил ака қўлимга тутқазган шикоят-аризанинг айрим қисмларини айнан келтираман:

«... Маънавиятнинг бош ҳомийси — Президентимиз. Лекин, вилоятимизда маънавиятга доир, «Олтин мерос» жамғармаси борасида чиқарилган қарорлар мутлақо қониқарсиз бажарилмоқда.

... Маънавият, «Олтин мерос» аслида ўтай соҳага айланди. Қайси вилоятда, қайси мамлакатда «Маънавият ва маърифат маркази»ни милиция қўриқлайди? Бизда ушбу марказ вилоят «Тадбиркор банк» биносининг тепа қаватларида омонат жойлашган. Милиционер йўлингизни тўсади...

... «Олтин мерос» жамғармасини қўллаб-қувватлаш ҳақида Президент Фармони чиққанига уч йил тўляпти. Лекин, вилоятдаги қатор шаҳар ва туман ҳокимлари ушбу қарорни тўлиқ ижро қилмадилар. Шовот, Гурлан, Хонқа туманларида жамғарма раислари икки-уч мартадан алмаштирилди. Баъзи туманларда давлат рамзи бўлмиш монумент ҳайкаллар ўрнатилмаган, тарихий бинолар ночор аҳволда.

... Урганч шаҳар ҳокими юз йил муқаддам қурилган савдогар Матвафо Баққоловга қарашли тарихий бинони ноқонуний равишда «Банк коллежига» олиб берди.

...1997 йил июлда ташкил қилинган «Олтин мерос» музейи Абулғозий Баҳодирхон кўчасидаги, 195-уйда, «Банк коллежи»нинг иккинчи қаватида жойлаштирилди. Музейда икки мингдан зиёд экспонатлар мавжуд. Лекин, уларни сақлаш учун сигнализация ўтказиш масаласи ҳал бўлмади. Негаки, бизнинг ихтиёримизда бўлмаган бино учун маблағ сарфлай олмаймиз. Жамғарманинг бир қисм мулки собиқ ёғ заводи ҳудудида турибди. Бизлар эса...

... Вилоят ҳокимининг 1996 йил 27 сентябрдаги 338-сонли ва 268-рақамли қарорларида «Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлимига тарихий бинолардан бирини бепул мулк сифатида берилсин» дейилган. Аммо, ушбу қарорни Урганч шаҳри ҳокими ҳамон бажармасдан келмоқда. Бизлар тарихий бинода вақтинча — омонат жойлашиш билан биргаликда унинг учун ижара ҳақи тўлашга маҳкуммиз. Яъни, аслида мероссиз «меросхўр»га ўхшаймиз...»

Бу илтимоснома-шикоят (аслида ўкинчга ўхшаш)га бошқа нимани қўшиш мумкин?

Ҳеч нимани!

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Конституция ва диний эътиқод эркинлиги

Аввало виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги тушунчаларини аниқлаб олишимиз керак. Бу жуда муҳим, чунки демократик давлат шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга кафолат берар экан, динга нисбатанги эмас, балки турли мафкуралар ва дунёқарашларга нисбатан ҳам бетарафликни сақлайди. «Ҳеч қайси мафкура, — дейилади Конституциямизнинг 12-моддаси иккинчи қисмида, — давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

Виждон эркинлиги деганда, инсоннинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик (даҳрий бўлиш)дан иборат ҳуқуқини тушунмоқ лозим. **Диний эътиқод эркинлиги,** ўз навбатида, инсоннинг бирор диний таълимотни танлаш ва шу таълимотга мувофиқ ибодат ва маросимларни монеликсиз бажариш ҳуқуқини англатади.

Дин минглаб йиллар мобайнида мавжуд. У инсон табиатида чуқур илдиз отган, ўзига хос бир қанча вазифаларни бажаради. Дин жамият, гуруҳ, якка шахс маънавий ҳаётининг соҳаси бўлиб, одамларга хос умумий маънавийлик меъёрларини ўзига сингиради ва акс эттиради, уларни ахлоқ қоидаларига айлантиради. У узоқ муддат умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ва авлоддан авлодга етказиб боришнинг асосий воситаси бўлган.

Инсоният тараққий этган сайин дин билан бир қатор ҳаёт мазмунини бошқача тушуниш ҳам ривожланган. Биз уни ҳозир дунёвий турмуш тарзи деб атаймиз. Бу инсоннинг фикрлаш эркинлиги, исталган динга эътиқод қилиш ёҳуд ҳеч бирига эътиқод қилмаслик ҳуқуқини эътироф этишга олиб келди. Инсон ўзининг табиий мансублигини, жинси, миллатини танлаши мумкин эмас, лекин маънавиятини танлаш унинг ўзига ҳавола. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги, 31-моддасида эса ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши ёзиб қўйилган. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Диндан сиёсий мақсадларда фойдаланилганлигига тарихдан талай мисоллар келтириш мумкин. Булар орасида одамлар эътиқоди яратувчанлик манбаи сифатида эмас, бунинг акси тариқасида фойдаланиш ҳоллари кўп бўлган. Бунда ўз эътиқоди чинлигига астойдил ишониб, бошқача қарашларга нисбатан батамом муросасизлик хусусиятига эга бўлган диний фанатизм (ўта кетган мутаасиблик) қурол бўлган.

Айнан фанатизм диний экстремизм илдиз отишига замин яратиши ва жамиятда беқарорликни келтириб чиқариши мумкин.

Кейинги ўн йилликларда жаҳонда диний омилнинг фаоллашуви собиқ советлар ҳудудида ҳам акс- садо берди. Нега бундай бўлаётгани тўғрисидаги саволга жавобни биз Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидан топамиз. Китобда айтилганидек, **бу биринчидан**, аввалги мафкуравий тасаввурлар ва қадриятлар тизимининг емирилиши ҳамда муайян вақт мобайнида пайдо бўлган бўшлиқнинг ўрнини тўлдириш заруриятидир.

Иккинчидан, миллий ўзликни англаш туйғуси, этник жиҳатдан насл-насабини излашга интилиш ўсиб бормоқда. Муайян диний йўналишлар одатий равишда бунинг энг муҳим элементи ҳисобланган.

Учинчидан, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳадаги кескин ўзгаришлар. Ўтиш давридаги ислоҳотларнинг муқаррар қийинчиликлари, аҳолининг объектив табақалашув жараёни ва мулкдорлик белгиси бўйича тафовутлар аҳолининг

I

бир қисмини ўз фаровон ҳаётини таъминлаш учун куч-ғайратини сарфлаш соҳасини излашга эмас, одамлар ўртасидаги сохта тенгликка ва жамиятни қиёфасиз бир ҳолатга келтириб қўядиган текисчиликка қайтишни ёқлаб чиқишга ундамоқда.

Тўртинчидан, Ўрта Осиё давлатлари объектив равишда ислом дунёсининг бир қисмидир. Уларнинг ичида исломдан сиёсий мақсадлардан фойдаланувчи етарлича кучлар ўз таъсирларини янги давлатларга ёйишга ва уларни ўз иттифоқчиларига айлантиришга астойдил интилмоқдалар.

Диннинг, чунончи Ўрта Осиёда исломнинг таъсири кучайишининг юқорида кўрсатиб ўтилган сабаблари мамлакатимизда диний ҳаётнинг ҳозирги ҳолатини тушуниш учун тўла маънода хосдир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 15 та диний конфессиянинг уюшмалари ишлаб турибди. Давлат диндорларнинг диний ҳис-туйғусини ҳурмат қилади, уларга тенг ҳуқуқларни кафолатлайди ва диний қарашларга эътиқод қилувчи фуқароларнинг таъқиб этилишига йўл қўймайди, миллий янгиланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний бирлашмаларининг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан алоқани узмайди. Шу билан бирга диндан ноҳўя мақсадларда фойдаланишга йўл қўймайди.

Дин, ўтмиш тажрибасидан аёнки, фақат бир кишининг иши эмас, у бутун жамиятнинг манфаатларини акс эттиради. Шу боис давлатимиз виждон ва диний эътиқод эркинлигини эълон қилган, динга жамоа бўлиб эътиқод қилишни кафолатлаган, уларнинг эркинлигини эътироф этган ва таъминлаган ҳолда, шу жамиятнинг эркинлигини ва бахт-саодатини таъминлаш манфаатларини кўзлаб диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солади. Бу «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда батафсил баён этилган бўлиб, унинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мамлакатимизда фуқаролар динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодат қилишга, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этишга, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Миллат ва маънавият

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар, дейилади Конституциянинг 61-моддасида. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан биронбир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат органлари турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашадилар, диний ва ўзга фанатизмга ҳамда экстремизмга муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймайдилар.

Агар диний ташкилотларнинг ишлари қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, давлат уларнинг ишларига аралашмайди, уларнинг зиммасига давлатнинг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятни маблағ билан таъминламайди.

Конституциянинг 57-моддасига мувофиқ, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларнинг тузилиши ва фаолияти, махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади. Шунга мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазйиқ ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек яширин диний фаолият қонун билан ман этилади.

Таълим тизими, кўпгина Шарқ ва Ғарб мамлакатларидан фарқли равишда, диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига, ўқувчиларнинг хоҳишидан қатъи назар, на ихтиёрий, на мажбурий тарзда диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар, таъмин этилади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон қонун ҳужжатлари диний ташкилотларнинг фаолиятини анча жиддий тартибга солади. Бу қанчалик ўринли? Шундай қилиниши зарурми?

Фикримизча, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Зеро, ўтиш даврида гап, аввало, маънавият ва маданиятнинг бир қисми сифатида динни муайян сиёсий мақсадларда ўртага қўйишга интилишлардан муҳофаза қилиш тўғрисида бормоқда. Шу боис республикамизда дин аҳолини юксак ахлоқий, руҳий ва маънавий қадриятлар, тарихий ва маданий мерос билан таништириш вазифасини бажаришда давом этиши ҳамда диний шиорлар ҳокимият учун кураш байроғига, сиёсат, иқтисодиёт ва ҳуқуқшуносликка аралашув сабабига айланишига йўл қўймаслик учун ҳамма чоралар кўрилмоқда. Негаки, биз бунда давлатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги учун жиддий таҳдид яширинган ётганлигини кўрамиз.

Бундай таҳдид эҳтимоли умуман борми ва бу нимада намоён бўлмоқда? Улар талайгина. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг асарларида улар ҳақида аниқ ва равшан айтилган. Улардан энг асосийси — бу ислом фундаментализмини ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга бўлган ишончига путур етказишга, ислоҳотлар муваффақиятли боришининг ҳал қилувчи шарти бўлган барқарорликни, ижтимоий тотувликни барбод қилишга интилишдир. Иккинчиси — омма онгига динни барча иқтисодий, сиёсий муаммоларни ҳал этишнинг универсал воситаси тариқасида сингдиришдир.

Шу йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир бўлган воқеалар юқорида айтилган сўзларни тўла тасдиқлайди. Аслини олганда конституциявий тузумни ағдариб ташлашга қаратилган террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Бузуқ ниятли кучлар халқимиз мустақиллик йилларида улкан куч-ғайрат эвазига эришган ҳамма нарсани йўққа чиқаришга уриниб кўрди.

Шу кунларда бутун мамлакатимизда юқорида айтилган фожиали воқеалар муносабати билан саноат корхоналари, турли ташкилотлар ва муассасалар жамоаларининг йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Одамлар бир тўда ашаддий унсурлар тайёрлаган жоҳиллик ҳаракатларидан, уларнинг шафқатсизлиги ва беҳаҳмлигидан қатъиқ ғазабланмоқдалар. Шу билан бирга, бутун мамлакатимиз янада кўпроқ қатъият ва матонат билан ислоҳотларни, инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш йўлини давом эттиришга астойдил интилмоқда. Портлатишлар, бошқа террорчилик ҳаракатлари билан деворни, қолаверса бинони бузиш мумкин, лекин танланган йўлга содиқ халқни орқага қайтариш, унинг онгини ўзгартириш мумкин эмаслигини ҳаёт яна бир бор тасдиқлади.

Давлат суверенитети ва мустақиллигини сақлаб қолиш қанчалик қийинлигини ҳамда мамлакатимизнинг маданий тараққий этишини кўролмайдиган ташқи ва ички душманлар бу йўлга қандай тўсиқлар қўяётганлиғини биз эндиликда биламиз. Шубҳа йўқки, жиноятчилар қилмишига яраша қаттиқ жазоланади. Бу мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни бузишни хаёлига келтирганларнинг барчаси учун сабоқ бўлсин. Динни ниқоб қилиб одамларни ўлдириб, уларнинг уйидаги тинчликни бузиб жазосиз қолиш мумкин деб ўйлайдиганлар қаттиқ янглишади.

Ислом, ўз табиатига кўра агар унга дунё миқёсидаги динлар нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, руҳни равшан қилишга, виждонни поклашга ва ҳайрли ишларга бошлайди, одамларга мусибат келтирувчи душманлик руҳидаги ҳаракатлар унга ётдир. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз бошлиғи дипломатия корпуси, чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда, сўнгра «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда мамлакатимиз ислом динидан ҳеч қачон воз кечмаслигини, бироқ унинг сиёсатга айлантирилишига, ундан ёвуз мақсадларда фойдаланишлишига қарши қатъият билан ва оғишмай кураш олиб боражагини очиқ-ойдин баён қилди.

Баҳодир ЭШОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси

III

Фаттоҳхон МАМАДАЛИЕВ



Ўзбекистон маданияти ва мусиқа санъати оғир жудоликка учради. Атоқли хонанда, ноёб овоз соҳиби, моҳир созанда ва бастакор, меҳрибон мураббий, беназир инсон, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев узоқ давом этган касалликдан сўнг 76 ёшида вафот этди.

Фаттоҳхон Мамадалиев 1923 йилда Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Эски Ҳаққулобод қишлоғида таваллуд топди. Ёшлигидан миллий мусиқа санъатига катта ихлоси туфайли дутор, ғижжак, танбур чалишни мукаммал ўзлаштириб, халқ куй-қўшиқларининг моҳир ижрочилари бўлмиш Умрзоқ Полвон Сайдали, Абдулла Тароқ, Беркинбой Файзиев, Жўрахон Султонов, Юнус Ражабий сингари улкан устозлардан сабоқ олди. Натижада ўзига хос ижод йўли ва ижро услубини эгаллади.

Ф. Мамадалиев Андижонда Маданият уйи қошида мақомчилар ансамблини тузиб, қарийб 20 йил давомида ўнлаб ҳаваскор созанда ва хонандаларни катта санъат йўлига бошлади.

Ф. Мамадалиев якка ва ҳамнафасликда ашула, катта ашула, мақом намуналарини қиёмига етказиб ижро этди. Унинг ўта тиниқ, ширали овози ва ўзига хос ижро маҳорати мумтоз мусиқий меросимизга янгидан ҳаёт бахш этди. Унинг товушидаги бироз ҳазинлик мумтоз қўшиқчилигимиз санъатига улуғворлик бахш этар, шинавандалар қалб изтиробларига ҳамдардлик ҳисларини уйғотарди. У басталаган «Интизор», «Оқибат», «Соғиндим», «Кўнгил», «Дилкушо» каби ўнлаб ноёб куй-қўшиқлар мухлислар кўнглидан чуқур жой олди. Эл суйган ҳофиз «Мискин», «Ушшоқ», «Муножот», «Насруллойи» каби туркум асарларни нозик жилолар билан сайқаллаштирди. Ижрочиликнинг ўзига хос йўналишини яратди. Бастакорнинг Халқаро мақомчилар фестивалининг бош мукофотини олган «Дарди дилим» ашуласи бутун Осиё қалбини забт этди.

Ф. Мамадалиевнинг сўнгги 15 йил давомидаги сермаҳсул ижодий фаолияти бир қанча концерт ташкилотлари, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Ю. Ражабий номидаги Мақом ансамбли, Бастакорлар уюшмаси билан узвий боғлиқ бўлди. У Тошкент Давлат консерваторияси профессори сифатида ҳам кўплаб ёш истеъдодларни тарбиялаб вояга етказди.

Ф. Мамадалиевнинг миллий санъатимиз ривожи йўлидаги улкан хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фахрий унвонига сазовор бўлган, «Меҳнат шуҳрати» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан мукофотланган эди.

Санъат абадий ва ўлмас қадриятдир. У миллат ва Ватан тимсоли сифатида ҳамиша барҳаётдир. Ҳақиқий санъаткор эса ана шу буюк мўъжиза орқали абадиятга, мангуликка дахлдордир. Бутун умрини ўзбек мусиқа маданияти равнақига тамомила бахшида этган ардоқли санъаткор, покиза инсон Фаттоҳхон Мамадалиев ана шундай кишилардан эди.

Улуғ устоз ва атоқли хонанда Фаттоҳхон Мамадалиевнинг хотираси қалбимизда абадий яшайди.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, Ҳ. КАРОМАТОВ, Т. АЛИМОВ, Н. ЖЎРАЕВ, Х. ЖЎРАЕВ, Р. АБДУЛЛАЕВ, А. ОРИПОВ, Р. ЮНУСОВ, О. ОТАХОНОВ, О. ҚОСИМОВ, Ў. САИДЖОНОВ, М. ЙЎЛЧИЕВА, Б. ДАВИДОВА, Ҳ. НОСИРОВА, Т. АЛИМАТОВ.

Наврўздан ҳам ўзишди...

Хоразмга баҳор вақтли келди — март бошидаёқ ўриклар гуллади. Деҳқон оромини йўқотди.

Ҳаво илиқ! Янада тўғрироғи — иссиқ! Тупроққа жон кирган — буғдой майсалари далаларга кўм-кўк ранг сепган. Ҳатто бақалар «қуриллай» бошлади...

«Демак ерга уруғ қадаш керак!» Бу уста деқоннинг, ишлаб чарчамайдиган пахтакорнинг гапи. Гапи эмас — аҳди.

«Ўтган йили биринчи апрель куниёқ чигит эккандик. Натижаси ёмон бўлмади — 15 сентябрда — вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш режасини бажариб қўйдик!» Бу Ҳазорасп туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалиги бригадири Ботир ака Юсуповнинг сўзи.

Одатда воҳа деҳқонлари Наврўздан олдин ерга чигит ташлашга унчалик журъат қилавермайдилар. Бу йил эса ўша анъана бузилди — ўнинчи март куни Ботир ака бригадасида вилоятда биринчи бўлиб ерга уруғ қадашга киришилди.

Биринчи бўлишни имтиёз ва ғурур эмас, масъулият ва одат билан бригада аъзолари Амударё бўйларидаги бўлиқ, ҳосилдор майдонлардан бу йил камида қирқ беш центнерлик хирмон кўтаришни қўнгилларига тугишган.

«Ўтган йилгидан йигирма кун олдин чигит экяпмиз. Демак, деҳқон баҳорини берса, сув мўл бўлса, ижарачиларимиз қўлни-қўлга бериб ишласалар — Ватанимиз мустақиллиги кунигача давлат режасини бажарсак керак. Шунга табиат ҳам, деҳқон ҳам имкон яратган», — дейди бригада бошлиғи.

Наврўздан ўзган уста деҳқонларнинг ерга чигит қадаш маросими ортиқча дабдабасиз ўтди. Ваъдалар берилмади, тўнлар кийилмади, зиёфатбозлик бўлмади.

Деҳқон оддий иш кунини ниҳоялади. Умид уруғи эккан. Бу уруғлар мустақил юртимизнинг бўлғуси улкан хирмонининг бир томчиси, Залворли томчиси.

Ҳасан РЎЗИМБОЕВ.

Суратда: бригада бошлиғи (чапда) Ботир ака Юсупов хўжалик бошқаруви раиси Тоҳир ака Жуманиёзов билан ерга қадалаётган «Юлдуз» навли эртапишар уруғ сифатини кўздан кечиришмоқда.

Саъдулло БОБО олган сурат

Айби борнинг оёғи қалтирайди

— Барча хўрлаш ва зуғумлар «Ўзбекистон овози» газетасига шикоят ёзганимдан кейин бошланди, — дейди Боймурод Жўраев.

Бунақасини эшитмагандик. Тавба дейсан, киши. Уни Узун туманидаги баъзи бир масъул лавозимдаги обрўли кишилар «кашф» қилишганга ўхшайди. Келинг, яхшиси...

Узун туманининг Ж. Эшмирзаев жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Боймурод Жўраев туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаётган Исроил Назаровнинг баъзи қинғир ишларини фош қилувчи бир қанча ҳужжатларни тақдим этди. Наҳотки, бир неча йил туман халқ таълими бўлими мудири, сўнгги йилларда эса туман ҳокими ўринбосари бўлиб ишлаётган раҳбар шундай ҳуқуқбузарликларга қўл урган бўлса?! Шикоятда жумладан шундай дейилади:

«Исроил Назаров аввал туман халқ таълими бўлими мудири бўлиб ишлаб юрган кезларда ўқув қўлланмалари, рисола ва синф журналларини мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларига накд пулга сотдирган. Ваҳоланки, улар пул ўтказиш йўли билан олиб келинган бўлиб, мактабларга бепул тарқатилиши лозим эди.

Исроил Назаров хизмат машинасини бир ярим йилдан буён қонунсиз равишда ўз уйида сақламоқда. Ахир у айни пайтда ҳоким ўринбосари бўлиб ишламоқда-ку. Вазирлик рухсат берган эмиш. Туман халқ таълими бўлими янги раҳбари бўлиб ишлаётган Ҳикматилло Шоймардонов нега бу хизмат машинасини ўзига олмаяпти? Нега унинг кирдикорларини очиб ташламайди? Ёки Ҳ. Шоймардоновнинг ҳоким ўринбосарига нисбатан ҳурмати баландми? Балки ундан қўрқар?

Орадан бир неча кун ўтиб, Узун туманидаги 18-ўрта мактабда бўлиб, ўқитувчилар билан суҳбатлашдик.

— Ҳақиқатан ҳам 1996-97 ўқув йилида туман халқ таълими бўлими томонидан берилган қўлланмаларни мактабимизнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Абдужалил Абдумўминов ойлик иш ҳақимиздан аввал пулини олиб қолиб кейин бизга тарқатди, — дейди математика фани ўқитувчиси Ҳабибулло Ботиров.

Энди фикрингизни Фахриддин Кабировнинг ёзган тушунтириш хатига қаратмоқчиман: **«Мен ҳақиқатан ҳам 1997 йилда ўз маошим ҳисобидан туман халқ таълими бўлими томонидан берилган фанлардан олинадиган ёзма ва амалий ишлар миқдори, математика, информатика, физика, астрономия, химия, биология фанларидан тест саволлари тўплами рисолаларини олдим.** Бу фикрларни М. Кабиров, И. Икромов, А. Ғиёсов каби ўқитувчилар ҳам тасдиқлашди. Ўтган йиллар давомида тумандаги 64 та мактабга неча минглаб ўқув қўлланмалари тарқатилган. Аслида бепул тарқатилиши лозим бўлган ушбу дарсликлар-

1

дан тушадиган бир неча юз минглаб сўм накд пуллар сирли равишда қаёққа ғойиб бўлди? Буни туман халқ таълими бўлимининг собиқ раҳбари Исроил Назаров билсалар керак, албатта.

Халқимизда айби борнинг оёғи қалтирайди, деган ажойиб нақл бор. Юқорида биз тилга олган воқеада И. Назаровнинг айби йўқ, у бегуноҳ ҳам дейлик. Аммо...

— Сиз келиб кетгандан сўнг мени Исроил Назаров чақириб олиб, турли тазъйиқлар ўтказди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Ҳикматилло Шоймардонов, — Боймурод Жўраев билан тилларинг бир. Ўқитувчилардан олинган тушунтириш хатларни тезда йиғиштиргин, деб менга қаттиқ топшириқ берди. Бунга рози бўлмадим. Яна бир гап. Яқинда туман халқ таълими бўлимига тегишли бўлган УАЗ русумли хизмат машинасини И. Назаров туман прокуратурасига тушунтириш хати ёзиб бериб, менга қайтариб берди. Мудир бўлиб ишлаётганимга бир ярим йил бўлган бўлсада, машина ҳамон И. Назаровнинг уйида сақланарди. Янги машина негадир ремонталаб бўлиб қолган экан. Ҳозир уни таъмирлаяпмиз...

Ҳақиқат барибир қарор топади. Эртами-кечми дунё юзини кўради. Минг йил ўтса ҳам ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолмайди-ку! Ҳойнаҳой, И. Назаров ва тумандаги 18-ўрта мактабнинг собиқ директори А. Кенжаев барча ишларни «гулдур-гуп» қилиб юборамиз, деб ўйлашгандир. Аммо ҳақиқат ўтдан, сувдан, тоғдан кучли. Яна бир мисол: 1997 йил 18 декабрда Узун туман давлат солиқ инспекцияси «Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун соғлиққа тортиш» бўлими бошлиғи И. Раҳматов раҳбарлигида ушбу мактабда тафтиш ўтказилганда кўплаб камчиликлар аниқланади. Тузилган далолатномада шундай дейилган: **«...18-ўрта мактабнинг ер участкасида етиштирилган маҳсулотни сотишдан 1996 йилда жами 152528 сўмлик, 1997 йилда эса 102100 сўм, жами 254628 сўм даромад олинган. Лекин мактаб маъмурияти белгиланган тартибдаги ишларни қилмай, накд пул маблағларини сарфлаб юбориб, молиявий қонунбузарликларга йўл қўйган. Шу туфайли Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Накд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 2 июль қарорига кўра бу маблағлар мақсадсиз сарф қилинган накд пул сифатида 254628 сўм, ҳамда яна шунча 254628 сўм молиявий жарима қўлланилиб, жами 509256 сўм мактаб ҳисобидан бюджетга ундирилиши тавсия қилинади».** Аммо, бу далолатнома ҳам негадир қора қозоннинг тагида ёпиқлигича қолиб кетади. Ушбу мактабдаги кўплаб камчиликлар хусусида 1998 йил 25 июлда вилоятнинг «Сурхон тонги» газетасида «Кенжаев кимнинг эркаси?» сарлавҳаси остида танқидий мақола ҳам эълон қилинди. Натижа эса... яна қозонни эслашга тўғри келади.

Журналист текшируви

Улар ҳолва. Энди мана буни тингланг.

— Барча хўрлаш ва зуғумлар «Ўзбекистон овози» газетасига шикоят ёзганимдан сўнг бошланди, — дейди Боймурод Жўраев. — Исроил Назаров ўз кирдикорларини фош қилувчи кўплаб ҳужжатлар йиғилганидан безовта бўлгач, уни бостириш, йўқ қилишнинг кўплаб йўлларини ўйлай бошлади. Ва бу «антиқа» усул билан мени синаб кўрди.

Шу йилнинг 3 февраль куни эрталаб тахминан соат 7,5-8лар атрофида уйимизга ҳуқуқ-тартибот органи ходимларидан бир гуруҳи келиб, тинтув ўтказмоқчи эканликларини айтишди. Мен шунда прокурор рухсатномасини сўрадим. Биз рухсатсиз текширамиз, дейишди улар. Ҳаттоки, маҳалла қўмитаси раиси, кўни-қўшниларни чақиришга ҳам рухсат беришмади. Меҳмонхона, ошхона, ертўла ва ҳаммомдан ҳеч нарса тополмагач, ҳожатхонанинг очиқ жойидан ўзларича сохтакорлик билан бир плёнкада ўралган тахминан 50-100 грамм чиқадиган повидлога ўхшаш нарса, автомат магазини ва автомат ўқларини менга олиб кўрсатишди. Мен дарҳол бу тинтувнинг бош сабабчиси ҳоким муовини И. Назаров деб тушундим. Чунки, у ён қўшниси Гулбой Болиевдан фойдаланганига шубҳам йўқ. Ходимлардан бу воқеадан туман ҳокими Сафар Ҳасановни хабардор қилишни сўрадим. Улар эса: аввал Г. Болиев хонасига борамиз. Шу ерга Гулбой Болиев туман ҳокими Сафар Ҳасановни чақиради. Сиз тушунтириш хати ёзиб берасиз, вассалом. Сўнгра қўйиб юборамиз, дейишди. Мен бунга рози бўлмагач, улар иккита машинага ўтириб кетиб қолишди. Мен эса қолдим. Шундан сўнг маҳалла қўмитаси раиси ва фаоллар билан ҳокимимиз Сафар Ҳасанов қабулига кирдик. Ҳоким туман прокурори Эшбой Аъзамовни чақиртирди. У мендан тушунтириш хати олиш билан кифояланди, холос...

Шу ўринда Ж. Эшмирзаев жамоа хўжалигининг «Тожикобод» маҳалла қўмитаси раиси Исомиддин Кабиров томонидан республика Бош прокурори номига юборилган билдириш хатидан ушбу сатрларга диққатингизни қаратмоқчимиз: **«... 1999 йил 3 февраль куни мени Б. Жўраевнинг уйига чақиртириб боришди. У ерда ўн кишидан иборат формали ходимлар бор экан. Ўзимни таништирдим. Улар орган ходимлари эканликларини оғзаки айтишди. Лекин ҳеч қандай ҳужжат ҳам, Б. Жўраевнинг уйини тинтув қилиш ордерини ҳам кўрсатишмади... Ҳовлининг охирида жойлашган ҳожатхонанинг бир бурчагидан топилган (аниқроғи, ўзлари қўйиб «топишган») бир дона автомат магазини, бир пачка ўқ ва бир плёнкада ўралган повидлога ўхшаш нарса ерда экан. Мен бу топилган нарсаларни кўриб ҳайратда қолдим. Улар топпа-тоза, ҳатто чанг тегмаганлиги яққол кўриниб турарди. Бу ерда қандайдир сир борлигига ишондим. Чунки, бу йигитни ёшлигидан яхши биламан. Унга дарс берганман...»**

Шу ўринда ҳақли ва мулоҳазали савол туғилади: Бу қонунсиз хатти-ҳаракатларда Исроил Назаровнинг алоқаси йўқ ҳам дейлик. Эҳтимол, гуруҳ раҳбари Гулбой Болиев бундан бехабардир. Нега унда Боймурод Жўраевнинг қўлларига кишан солинмади? Ахир унинг уйидан ашёвий далил сифатида автоматнинг ўқи, плёнкага ўралган қора жигарранг рангли бадбўй наркотик модда (опий)га ўхшаш нарса, автомат магазини топилган-ку? Бу ҳақда катта лейтенант И. Сайфутдинов раҳбарлигида К. Шодмонов ва Ў. Муродовлар иштирокида тузилган ҳужжатда ҳам аниқ-тиниқ ёзилган. Ушбу воқеа ўша вақтнинг ўзидаёқ «Панасоник 3000» видео камерада суратга ҳам олинган. Шундай бўлгач, нега Б. Жўраевни уйидан олиб кетиш ўрнига уни қўйиб юборишади? Нега... Саволлар кўп. Жавоб эса...

Эътибор берган бўлсангиз, бир кишини «ушлаш» учун қанчадан қанча қонунбузарликлар рўй берган. Ёки бу шикоятчини йўқ қилишнинг «узунча усулими?»

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

2

3

Бош вазир вафот этди

БИШКЕК. Қирғизистон Бош вазири Жумабек Ибраимов кеча мамлакат пойтахтида оламдан ўтди. Қирғизистон ҳукумати вакилининг хабарига кўра, Ибраимов ошқозон раки туфайли вафот этган. Уч ҳафта илгари уни Москвада операция қилишганди. Ибраимов ўтган йилнинг декабрь ойида аввалги ҳукумат инқирозга қарши кураш чораларини кўролмаганидан сўнг Президент Акаев томонидан Бош вазир этиб тайинланган эди. Унинг ўлимидан сўнг Бош вазир ўринбосари бўлиб ишлаб келган Борис Силаев зиммасига бу вазифа юкланди.

Музокаралар кечиктирилди

ЛОНДОН. Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Ирландия Республикаси армиясини (ИРА) қуролсизлантириш масаласи бўйича музокаралар вақтинча қолдирилганини билдирди. Энди музокаралар 13 апрель куни бўлиб ўтади.

Т.Блэрнинг Шимолий Ирландия пойтахти Белфастда бўлиб ўтган матбуот анжуманида таъкидлашича, иштирокчилар музокаралар бошлашдан аввал етарли даражада фикрлашиб олишлари керак.

Маълумки, бир неча ойдан буён ИРА қуролсизланиш масаласи бўйича келишмовчиликлар туфайли Шимолий Ирландияда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш жараёни боши берк қўчага кириб қолган.

Тоза сув, тоза ҳаво — соғлом муҳит

Мувозанат

Олий Мажлиснинг XIV сессиясида «Ўрмон тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинади. Табиатнинг бир бутунлигини, биз ҳам унинг бир парчаси эканлигимизни англасак, бу қонуннинг аҳамиятини тўлароқ ҳис қилишимиз мумкин. Ўрмон дегани эса соф табиат дегани. Аммо, биз унга салбий таъсир қилмаяпмизми? Бугун ўрмонларимизнинг аҳволи қандай? Бу саволлар эса қонун лойиҳасига жиддийроқ қарашга ундайди, назаримизда.

Тақдир тақозоси билан, туғилиб ўсган қишлоғим — Хондайлиққа тўрт-беш йил аввал қайтдиму, табиатга муносабат хусусида атрофимда бўлаётган ҳангомаларни кўриб кўзларимга ишона олмадим. Қишлоқда водопровод йўқ, аҳоли тоғдан оқиб тушувчи икки сойнинг ёнариқлар орқали олиб келинган сувидан истеъмол қилади. Азонда жамики идишларига сув тўлдириб қўядилар-да, тун бўйи ҳамма чиқиндиларини худди шу ариқларга ағдараваришади. Гўё ифлос нарсалар ўзи турган жойдан пастга оқиб кетаётгандек, ўзлари эса топ-тоза сув ичаётгандек! Ҳолбуки, унинг тепасидаги хонадонлар ҳам айнан шуни такрорлайверишади. Оқибатда бутун қишлоқ аҳли турли чиқиндиларга тўйинган иркит сув билан бир-бирларини «сийлаб» яшайверадилар. Аҳвол шу даражага борганки, оқиб кетиб улгурмаган чиқиндилар ариқ ёқаларида баланд деворлар ҳосил қилган. Турли касалликлар чақирувчи бу ифлос нарсалар йиллар давомида сувга қўшилиб оқяпти.

Мен бунга қарши курашишнинг аниқ бир йўлини танлаб, баҳоли қудрат ҳаракат қилиб кўрдим. Биринчи навбатда ўзимиз яшаб турган ҳовлини, айниқса ариқ бўйларини обдон тозаладик. Чиқиндиларни тўплаб ёқиб юборишга мўлжалланган алоҳида жой ҳозирладик. Қолган кул ва чорва чиқиндиларини экин ерларига сочамиз. Хуллас, ичимлик сув оқаётган ариққа бирон нарса ташланмаслигини таъминлаб, бу хусусда кўнгилдагидек натижага эришганимиздан сўнг, уч тарафимиздаги қўшниларни ҳам назоратга олдик. Улар ҳам бу талабга кўника бошладилар. Чунки, «аввал ўзингга боқ», деган эътирозга ўрин қолмаган эди-да. Шундан сўнг «ҳужум»ни қишлоқ фуқаролар йиғини раисига қаратдик. «Қишлоғимиз қўчалари, айниқса ичимлик сувимиз оқиб турган ариқлар тозалигини назоратга олинг, агар бу борада хато ва нуқсонларимиз бўлса жаримани бизлардан бошланг!» — дедик тозалик бобида янги тартибга ўтган уч-тўрт хонадон вакиллари оқсоқол қабулхонасига кириб. Кутилмаган бундай тиқилинч қилишлик, табиийки, қунларини тинчгина ўтказаётган оқсоқолга ёқмади. Шунинг учун бўлса керак, у дастлабки текширишни бизлардан бошлади. Келиб кўрдики, ҳаммаёқ топ-тоза, кўркам. Шундан сўнг хонадонларга бирма-бир кириб текшира бошладик. Ўзи ҳар куни истеъмол қилаётган сувга чиқинди ташламаётган ёки ювиндиларни оқизмаётган хонадонларнинг ғоят кам учраши ажабланарли ҳол эди. Шундай тартиббузарларга аниқ топшириқлар берилди, муддати ва унинг ижросини туман санитария-эпидемиология идораси мутахассислари иштирокида қайта текшириш куни ҳам кўрсатиб қўйилди. Ниҳоят, хонадонлар тугаб, тоғ бошланишидаги каттагина сойга ўтдик. Вой-бў, ахлатнинг сероби бу ерда эканку! Ёниб кетган уйлардан қолган қуйинди дейсизми, фойдаланишга яроқсиз пойабзаллар дейсизми!.. Ҳаммасини шу сойдаги ер остидан чиқаётган булоқ бошига тўкиб ташлашибди. Зилол сув бу ифлос нарсаларга тўйиниб, қўланса ҳидли оқиндига айланмоқда ва бутун қишлоқ халқи ичиб ҳаёт кечираётган катта ёнариққа қуйилмоқда. Ёнариқ ҳам ўз навбатида обдон ифлосланиб катта сойга, у эса Чирчиқ дарёсига қўшилмоқда. Натижада, буларнинг ҳаммаси табиат мувозанати бузилишига мудом ўз ҳиссасини қўшиб турибди...

— Тавба, шу жойда ҳам булоқ бор экан-да! — деди оқсоқол ҳайратланиб.

— Бу жойларга келмаганмидингиз? — сўрадик биз.

— Ҳеч келмаган эканман, — ўйлаб-нетиб ўтирмай жавоб берди қишлоқни бошқараётган оқсоқол...

Белгиланган муддат ҳам келди. Биз яна йиғилишиб, қишлоқ раҳбари қабулхонасига кириб бордик ва мақсадимизни айтдик. Оқсоқол бирпас ўйланиб турди-да: «Бир неча кун олдин шу томонга йўлим тушган эди, қарасам, кўрсатмаларимизни асосан бажариб қўйишибди», — деди ўрнидан қўзғалгиси келмай.

— Туман санитария-эпидемиология идораси ходимлари ҳам кўчада кутиб туришибди, ижрони қайта текшириш учун чиқмаса бўлмайди, — дедик биз. Оқсоқол ноилож ўрнидан оғринибгина қўзғалди. Яна хонадонлардан бирма-бир ўтар эканмиз, аввалги берилган топшириқлар оқсоқол айтганидек «асосан бажарилибди» эмас, аксинча, асосан бажарилмаганини кўрдик. Яхшиямки, тумандан келган мутахассислар бор экан, жарима тўлаш учун акт тузишга чоғландилар. Шундан кейингина тартиббузарлар саросимага тушиб сўнгги муддат берилишини илтимос қилишди. Сўнгги муддат ҳам берилди. Лекин оқсоқолни учинчи бор текшириш учун бошлаб чиқа олмадик. У ёши етганлиги муносабати билан пенсияга жўнаворибди. Ўрнига эса ўта одобли, ижрони ўрнига қўйиб келган қишлоқ фуқароси йиғини котибини сайлашибди. Ғоят маъсулиятли бу лавозимга ёшлардан тайинлангани яхши, албатта. Лекин, кўриниб турибдики, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тиним билмай ишлашни, ўта уддабурон, ташкилотчи, талабчан бўлишни тақозо этади. Янги раҳбарнинг қай даражада иш олиб боришини келажак кўрсатади, албатта.

Шу ўринда бир эътирозни айтиб ўтишга ҳам ҳақлимиз. Хондайлиқ қишлоғида нафақат табиат муҳофазаси, балки ҳаётнинг бошқа соҳалари ҳам издан чиққан. Ўн йиллар давомида чала ташлаб қўйилган водопровод, мактаб ва бошқа қурилишларнинг ўз вақтида битказилмагани учун асосан қишлоқ раҳбарларини бемалол айблаш мумкин. Негадир кўп йиллардан буён бу қишлоқ бошлиқларга ёлчимади. Йигирма-ўттиз, балки ундан ҳам узоқ йиллар давомида қайси йўл билан бўлса-да, бир амаллаб план бажарувчи, қишлоқ равнақи етти ухлаб тушига кирмайдиган шахсиятпараст кимсалар бошлиқлик курсиларини эгаллаб келдилар. Уларнинг фикру ёди фақат юқоридаги мансабдорлар кўнглини овлаш билан банд бўларди. Бунинг натижасида бутун ҳаёт издан чиқа бошлади. Айниқса она табиат катта талофот кўрди. Қадим-қадимдан ғиж-ғиж балиқлар макони бўлиб келган Шўробсой ва Туятошисойлар турли хил заҳарли химикатлар оқизилаверганидан ҳозирга келиб бутунлай ўлик сув ўзанларига айланиб қолди. Қишин-ёзин милтиқларнинг гумбур-гумбури етмаётгандек, пўлат симлардан ясаб ҳамма томонга қўйиб ташланган беҳисоб тузоқ ва қопқонлар дастидан табиатдаги жамики тирик жонлар батамом қийратиб юборилди. Болаларнинг қўлларидаги «рогатка»ларни айтмайсизми! Атрофимизда кўнглимизни яйратиб, турли зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилиб турувчи бу майда қушлар ҳам «рогатка»ларнинг батамом қурбони бўлмоқда. Тоғу тошларда йил — 12 ой ҳаммаёққа қирон солиб юрувчи ўн-ўн беш нафар табиат қушандалари билан ҳам, ўзбошимча болалар билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ. «Бир амаллаб бола-чақа боқиб юришибди-да», деб табиат қушандаларини оқлаб ҳам қўйишади бу ҳақда гап кетганда.

Ёки, иш йўқ деган баҳона билан ноёб гиёҳларни бутунлай йўқ қилаётганларга. Улар юлиб оладиган равоч, лола, чойўт, тоғрайҳон каби дориворларку илдизи ва пиёзларини «пишиқлик қилиб» сақлаб қолади. Аммо, Матар деб аталувчи «Қизил китоб»га кирган энг ноёб доривор ўсимликнинг поясидан тортилса пиёзи ҳам чиқиб келади. Демак .у бутунлай йўқ қилинади. Бу турашда безорилар бу ўсимликнинг уруғини қуритиб юбориш мумкин, ахир. Табиат мувозанати бу қадар яксон қилинмаганда, оқар сувлар қадимгидек балиқларга, тоғу тошлар паррандаю даррандаларга тўлиб-тошиб турганда нафақат бир ҳовуч қушандаларни, балки бутун қишлоқ аҳлини боқиши, тўйдириши мумкинлигини бирор кимса ўйлаб кўрмаётгани эса кишини лол қолдиради. Албатта, бунга ҳам асосан раҳбарлар айбдор. Бу ҳақда бош қотиришга ҳозирга қадар уларнинг «қимматли» вақтлари етмади, очиғини айтганда, умуман хаёлларига келгани йўқ. Хаёлига келган тақдирда ҳам энг муҳим бу ишларни амалга оширишнинг ҳозирча иложи ҳам йўқ. Чунки, салкам олти минг одам яшовчи бу қишлоқда халқ билан юзма-юз суҳбат қилиш учун фойдаланиб келинган клуб бўлар-бўлмас баҳоналар билан бузиб ташланган, янгиси эса ҳамон қурилганича йўқ. Чала бўғизланган жонивордек мудом хириллаб турувчи маҳаллий радиони жонлантириш, лоақал шу орқали қишлоқ аҳли билан алоқа боғлаб туриш учун ҳам бу ердаги раҳбарлар ўз «қимматли» вақтларини аяйдилар...

Бу қишлоқ аҳволи ҳақида гапни ортиқча давом эттириш, бирор натижа чиқариш ҳозирча амримаҳол экан, Бўстонлиқ туманидаги табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар қандай фаолият кўрсатяптилар? Ростини айтганда, улардан ҳам бирор самарали натижа кутиш амримаҳол бўлиб қолди. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, миллий боғ, ўрмон хўжаликлари, овчилар жамияти... Санайверсак, атроф-муҳит муҳофазасига дахлдор ташкилотлар сони ўндан ошиб кетади. Лекин ҳақиқий жонкуяр, асосий жавобгарнинг ўзи йўқ. Табиат муҳофазаси хусусида бу ташкилотлар орасида ашаддий сансоларлик мудом давом этиб келмоқда...

Бир дўстимизнинг таклифи билан август ойида Бўстонлиқнинг Псков қишлоғи томонларда бўлган эдик. Ерли халқ мерганлари овга жўнаётган пайтга тўғри келибмиз, бизни ҳам таклиф қилиб қолишди. Ярим тунда от ва эшакларга юкларни ортиб, Урунгач тоғларига кўтарилдик. Қуёш кўринганда абадий қор қоплаб турувчи энг баланд довонларга етиб бордик. Овга киришиш олдидан мерганлар милтиқлар ва ўқларини кўздан кечиришди. Бешотар ҳам, «Малокалибр» ҳам, истаганча миқдорда ўқлар ҳам бор эди уларда. Улоқчасини кўзи қиймай, тошлар орасида ўралашиб юрган она кийик уларнинг биринчи қурбони бўлди. Тошдан-тошга урилиб тушиб кетган онасини излаб тош устига сакраб чиқиб бўзлаётган улоқчани ҳам бир ўқ билан қулатишди. Кейин такалар тўдасидаги энг йиригини ҳам танлаб отишди. Шу куни тоғда тунаб, эртасига ўлжаларни от-эшакларга юклашиб, қишлоқ яқинига олиб тушдилар-да, ўзаро тақсимлаб олишди...

Қатор қонунбузарликларни қаранг! Биринчидан, август ойида ҳар қандай тирик жонни овлаш қатъиян таъқиқланади. Иккинчидан, бундай «боевой» милтиқларни қаердан олишган-у, ов учун улардан фойдаланишга ким рухсат бериб қўйибди? Учинчидан, кийикларни овлаш учун қўлларида бирон-бир рухсатнома — лицензияси йўқ бу мерганлар юрак ютиб бемалол қирғин қилаётганларига нима дейсиз?! Ўлжалар тақсимлаб бўлингач, ўзаро чой ичиб, суҳбатлашиб ўтирганларида юрагимни ғижимлаётган юқоридаги саволларни уларга бердим.

— Бунақа қуроллар тоғлар оралиғидаги ҳамма қишлоқларда истаганингизча топилади, — дея дангал жавоб берди мерганларнинг ёшроқ ва сергапроғи. — Рухсатнома масаласига келсак, керакли бошлиқларга сўраган нарсалар етказиб берилса, олам гулистон-да!

— Шу зайлда қирғин қилинаверса, бутун тоғлару дарёлар қуп-қуруқ ҳолга тушади-ку, бу айниқса ўзларингиз учун, келажак авлодларингиз учун катта йўқотиш бўлмайдими?! — Қизишиброқ сўнгги саволни бердим мен. — Аслида, биринчи навбатда, сизлар табиатнинг энг қуюнчак ҳимоячилари бўлишларингиз керак эди. Тоғу дарёлардаги бу бойликлар асосан сизга тегишли, ҳатто хусусий мулкингиз, деса ҳам бўлади-ку!..

Анчага чўзилган оғир суқунатдан сўнг ўрта ёшдан ўтиб қолган, камгап, вазмин табиатли мерган менга ўгирилди.

— Ҳамма айтганларингиз тўппа-тўғри, — деди у жиддий тикилиб. — Хўп, биз ўзимизни тияйлик, аммо бошқалар-чи?! Қанийди, Ўзбекистонимизнинг ҳамма жойларида сиз айтганчалик қатъий тартиб ўрнатилса! Ахир, энди мустақилмиз, ўз эркимиз ўз қўлимизда.

— Чет элда ҳатто катта кўчада тупириш ҳам айб саналар экан! — гап қистирди ёш мерган.

Атроф-муҳитга муносабат хусусида ўзим туғилиб ўсган, ҳозир яшаётган қишлоғимдаги ҳақиқий аҳволни тасвирладим. Узоқ-яқин тоғ қишлоқларида кўрган-кечирганларимдан ҳам биттасини сизлар билан баҳам кўрдим. Аммо бу билан аҳвол ўзгарармикан?!

Асад АСИЛ,
ёзувчи

Партия хабарлари

Туман кенгаши пленуми

ЎзХДП Челак тумани кенгаши пленуми бўлиб ўтди. Унда туман кенгашининг ЎзХДП Марказий Кенгаши XIX пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Туман партия кенгаши саркотиблигига илгари туман ҳокимлиги халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб ишлаган Вали Шакаров сайланди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Аёллар йилига бағишланди

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда Аёллар йилига бағишланган байрам тантанаси ўтказди. Гулдурос қарсаклар остида турли жабҳаларда фаолият кўрсатаётган фаолларга Фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совға-саломлар, анвойи гуллар тақдим этилди. Табриклар «Ялла», «Илҳом» ва «Томоша» болалар гуруҳлари чиқишлари билан бўлиниб турди.

Б. ҒОЙИБОВ,
Шайхонтоҳур туман партия кенгаши котиби

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни

сотади

ҲАҚ ТЎЛАШ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг олборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин

Манзил

Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиний хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.

Телефон: 54-56-11.
Факс: 54-49-97
Пейжер: (067) 90-79

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

1999 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ УЧУН ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДЕПОЗИТНИНГ ЯНГИ ТУРИ - "НИСО" ОМОНАТИНИ ЖОРИЙ ЭТДИ

Депозит **3 ОЙ МУДДАТГА** очилади ва шу давр учун унда сақланган маблағларга **8 ФОИЗ** даромад қўшилади. Муддат тугаганидан сўнг депозитни ёпишингиз ёки кейинги муддатга узайтиришингиз, бунда қўшилган фоизларни хоҳишингизга кўра олишингиз ёхуд асосий маблағ билан бирга қолдиришингиз мумкин. Депозитингиз амал қиладиган муддатни узайтириш учун Сиз банкка мурожаат қилишингиз шарт эмас. Агар депозитни ёпишга бормасангиз, у ўз-ўзидан кейинги муддатга ўтади ва фоизлар капитализация қилинади.

Сиз, бундан ташқари, депозит муддати тугагандан кейин уни **"СЎМ КАРТОЧКАСИ"** омонати сифатида қайта расмийлаштиришингиз мумкин. Бундай омонат бўйича Сизга йилига **35 ФОИЗ** миқдорида даромад тўланади. Айни пайтда пластик карточка ҳақи (тўлов куни учун Марказий банк белгилаган курс бўйича 15 доллар) Сиз учун **20 ФОИЗ** арзонлаштирилади.

Сиз "НИСО" омонатини банкнинг исталган бўлимида очишингиз мумкин

NBU

Қўшимча маълумот учун телефон: 137-62-83.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 6 aprel, seshanba • № 43 (24.438).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Фалсафа ёшларимиз ўз-ўзини англашига, мустақил ижодий фикрлашига хизмат қилсин

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида жуда кўп мураккаб, долзарб муаммолар мавжуд. Инсоннинг фаолиятини, дунёқарашини ана шу муаммоларга йўналтирмасдан туриб уларнинг биронтасини ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун маънавий баркамол инсонни тарбиялаш, унинг дунёқарашини, имони, эътиқоди, Ватан ва халқ олдидаги бурчи, масъулияти туйғусини шакллантириш лозим. Ана шу вазифаларни амалга оширишда фалсафа муҳим ўринни эгаллайди.

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ факультетлараро фалсафа кафедраси, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ва бошқа бир қатор олий ўқув юртларининг олимлари томонидан тайёрланиб, «Шарқ» нашриёти концерни томонидан нашр этилган «Фалсафа» ўқув қўлланмаси бу фаннинг муаммоларини янгича қўйиш, уларни мустақил таҳлил қилишда ўзига хослиги билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қўлланмада фалсафа синфий, сиёсий курашларнинг назарий ифодаси эмас, балки инсоннинг ўзи, табиат, жамият ҳақидаги билимларини бир-бири билан боғлаш, умумлаштириш асосида янги хулосалар чиқарувчи методологик аҳамиятга эга бўлган фан, умуминсоний қадрият сифатида таърифлаган. Фалсафа фанлар ичидаги фан, уларни бир-бири билан боғловчи тафаккур маданияти сифатида таърифланиш юқоридаги фикримизнинг исботидир.

Қўлланмада фалсафа тарихида шаклланган ва ривожланган турли қарашлар, таълимотларга муносабат масаласида ҳам ўзига хос янгиликлар бор. Муаллифлар, сўнгги йилларда нашр этилган адабиётлардан фарқли ўлароқ, фалсафадаги турли оқимларни, материализм ва идеализмни синфий курашларнинг қуроли эмас, балки моддий, маънавий борлиқ ҳақидаги инсон билимларининг турли шакл ва даражада ўрганувчи, бир-бирини тўлдирувчи таълимотлар сифатида қараганлар.

Китоб — содиқ дўст

Олдин нашр этилган дарсликларда Ўрта Осиё халқлари ижтимоий, фалсафий фикри тараққиёти асосан VIII асрдан бошлаб ўрганилар эди. Бу эса ўн асрдан кўпроқ давом этган ижтимоий, фалсафий фикрлар тараққиётини ислом фалсафаси, ислом маданияти, деб талқин этишга олиб келди. Муаллифлар минтақамизга ислом дини кириб келмасдан олдин ҳам маҳаллий халқларнинг минглаб йиллар давомида ривожланган, бой ижтимоий, фалсафий, диний-орифий қарашлари мавжуд бўлганини, улар VIII асрдан кейинги Ўрта Осиё цивилизацияси ривожига катта таъсир кўрсатганини асослаб берганлар.

Темур ва темурийлар давридаги ижтимоий, сиёсий, фалсафий фикрлар тараққиёти ҳам фалсафий адабиётларда биринчи марта ўртага қўйилиши, десак хато бўлмайди. Қўлланмада Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқаларнинг сиёсий, ижтимоий, ахлоқий, ҳуқуқий қарашлари ҳақида айрим маълумотлар берилган. Суфийликнинг Алишер Навоий эътиқод қилган маломатия йўналишининг инсонпарварлик моҳияти ҳам анча тўла очиб берилган.

Туркистонда маърифатчилик, жадидчилик ғояларининг шаклланиши ва ривожланиш масаласи ҳам алоҳида мавзу сифатида қўлланмага киритилган. Муаллифлар жадидчилик ғояларини маҳаллий аҳолининг миллий онги ошиши, миллий озодлик ҳаракатлари кучайишига кўрсатган таъсирини, бу ҳаракат шаклланиши, ривожланишнинг асосий босқичларини ҳам тўғри ёритиб берганлар.

Мустақилликнинг фалсафий муаммолари бўлими қизиқарли ёзилган. Муаллифлар кўплаб халқлар, мамлакатлар миллий мустақилликка эришишнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини тўғри таҳлил этиб, бу масалаларни тарих сабоқлари, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар мисолида асослаб берганлар. Бу бўлим билан танишиб, фалсафа фанининг инсон фаолияти ва жамият тараққиёти учун бўлган аҳамиятини янада тўлароқ тушуниш мумкин.

Қўлланма муаллифлари ҳар бир муаммони ёритишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов асарларидан, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларга оид бўлган маълумотлардан кенг фойдаланганлар. Бу эса қўлланманинг илмий, амалий, тарбиявий аҳамияти яна ҳам ортишига олиб келган, деса бўлади.

Бизнинг фикримизча, ўқув қўлланмаси камчиликлардан ҳам холи эмас. Булар қуйидагилар:

Муаллифлар фалсафа тарихини ёритишга катта эътибор берган бўлсалар ҳам, XX аср Шарқ фалсафасини қўлланмага алоҳида мавзу сифатида киритмаганлар. Биз яқин ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам талабаларга XX аср Ғарб фалсафаси ҳақида маълумот берамиз. Лекин тарихий фалсафий меросимизга анча яқин бўлган XX аср Шарқ фалсафасини алоҳида мавзу сифатида ўрганишни эътибордан четда қолдирмоқдамиз.

Амир Темур ва темурийлар давридаги ижтимоий, сиёсий, фалсафий фикрлар мавзусида эса ўша даврда яшаган айрим файласуфлар, суфийларнинг меросини ҳам ёритиш муаллифларнинг эътиборидан четда қолиб кетган.

Қўлланмага киритилган айрим янги мавзуларни таҳлил қилиш ҳам қиёмига етмаган.

Албатта, қўлланмадаги юқорида кўрсатилган ютуқлар ва камчиликлар ҳақида яна қатор мисоллар келтириш мумкин. Аммо, бизнинг мақсадимиз ютуқларни кўрсатиб муаллифларни мақташ ёки камчиликларни кўрсатиб уларни «уриб» ташлаш эмас, балки қилинган катта меҳнатга адолатли баҳо бериш ва янги бир фойдали ўқув қўлланмаси пайдо бўлганлигини кўрсатиб беришдир.

Мазкур қўлланма талаба ёшларимиз мустақиллигимизнинг моҳиятини, Президентимиз Ислом Каримов илгари сураётган ғоялар мазмунини, истиқболимиз йўналишини англаб олишга, мустақил фикр юритишига ёрдам беради. Худди ана шу нуқтаи назардан ҳам ундан барча олий юртларида фалсафа фанини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Олий ўқув юртларида бундай қўлланмага эҳтиёж ниҳоятда катта. Қўлланманинг ҳозир нашр этилган нусҳаси ниҳоятда кам. Агар муаллифлар қисқартиб, яхши адабий таҳрир қилсалар, қўлланма кўпроқ нусхада тезда яна нашр этилса айни муддао бўлур эди.

Б. АЛИЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.
А. ҚОДИРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.
С. ОТАМУРАТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

ТОШТАРОШЛИК — ўзбекнинг қадимий санъати

Орамиздаги одамлар

Халқимиз орасида тоғу тошларда бир сеҳр бор, улар ҳам ўсади, сир-синоатини уни билганларга очади, деган гаплар юради. Бу бежиз эмас. Қайсидир манбада ўқигандим: геолог олимлар узоқ тоғ бағридан топилган бир тошни қоқ иккига бўлиб кўрадилар. Қарашса, тошнинг ички қаватларига Қуръони каримдан оятлар битилган эди. Ҳолбуки тош бундан олдин яхлит, бус-бутун бўлган. Нима бу, сеҳрми, ё мўъжиза?! Аммо бор гап.

Сўзни нега шундан бошлаяпсиз, деган хаёлга бораётган бўлишингиз мумкин. Бунинг боиси бор, албатта. Замондошимиз — суҳбатдошим анча тажриба кўрган, Навоий вилоятининг Нурота туманида истиқомат қилувчи Эркин Абдуллаев ўз ҳаяжонини яшира олмади. Унинг қўлида ўзи ясаган катта мармар лаган. Бениҳоя чиройли нақш ва безаклар туширилган бу лаганга боқиб суқингиз келади. Аммо суҳбатдошим лаганнинг орқасини ўгириб менга қарата:

— Мана бу сўзларни бир ўқинг-а! — деди. Аввалига мен унда бирон сўзни пайқаганим йўқ. Бироқ суҳбатдошим: «Майли, арабча билмас экансиз-да» деди-да, сўзида давом этди.

— Шу лаганни йўнаётганимда ўз-ўзидан «Ло илоҳа иллолоҳ» сўзлари чиқди! — деди.

Шу заҳоти хаёлимга юқоридаги воқеа келди... Шу билан суҳбатимиз ўз-ўзидан қовуша кетди. Қандай қилиб мармар ўймакорлиги ҳунарини эгаллаганини сўраганимда Эркин ака ғоятда камтарона шундай ҳикоя қила бошлади:

— Мана ўзингиз кўриб турибсиз, мармар ўймакорлиги қадимий ота-боболаримиз ҳунари, ҳатто айтиш мумкинки, санъатидир. Отам раҳматлик Абдулла Ҳайитов бутун умрини Нурота халқ таълимини ривожлантиришга бахшида этган инсон эди. Бундан роппароса ўттиз йил муқаддам мактабда тўғарак очишни илтимос қилиб республика Халқ таълими вазирлигига хат ёзган экан. Буни қарангки, шу баҳонаю сабаб мактабда меҳнат дарсининг тўққиз соати тоштарошликка ажратилган...

— Отангиз бу ҳунарни қаердан ўрганганлар? — беихтиёр савол бердим.

— Боболарим Мулла Ҳайитмурод Сангкан, Мулла Йўлдошбой, Мулла Қудратбой ва Мулла Муҳаммадлар мармартарош усталар бўлишган. Бутун умрларини шу ҳунарга бахш этишган эди. Қизиғи шундаки, бобом Мулла Ҳайитмурод Йўлдошев ҳатто шеърлар ҳам ёзган. Ўзлари ясаган мармар лаганларда ўз ғазалларидан байтлар битган эканлар. Ана шунда Сангкан, яъни Тоштарош деган тахаллус олибдилар. Айтишларича, улар ясаган лаганлар Хитой чинисозларини ҳам лол қолдирган! Ота-боболаримдан кейинги тош ўймакорлиги дарслари менга юкланди.

— Дастлаб ишлар қийин кечгандир?

— Э, бунисини асти сўраманг. Аввало машғулотлар олиб бориш учун жой йўқ. Асбоблар етишмайди, денг. Мармар парчаларини кондан олиб келиш ундан ҳам қийинроқ. Хуллас, жон-жаҳдим билан ишга киришдим.

Тоштарошлар тўғарагини 370 нафар ўғил ва қизлар муваффақиятли битириб чиқди. Уларга иккинчи разрядли тоштарош уста гувоҳномаси берилди. Шулардан 57 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Ҳозир юз нафар битирувчи тош ўймакорлиги билан шуғулланмоқда.

Тўрт йил (1992-95 йилларда) Эркин Абдуллаев бошчилик қилаётган тоштарошлик тўғараги аъзолари Навоий вилоятининг иқтидорли болалар йиғинларида биринчи ўринни эгалладилар. Хуллас, 1970 йилларда деярли йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўзбек халқ амалий санъатининг энг кўҳна тури — тош ўймакорлиги ҳунари қайта жонланди. Айни кунларда эса Ғозғон қишлоғи аҳолисининг 70 фоизи ана шу кўҳна миллий ҳунар билан машғулдир.

Мармар ўймакорлиги тўғараги ташкил топганига 30 йилдан ошди. У 40 дан зиёд кўрик-кўргазмаларда иштирок этди. Ғозғон шаҳарчаси уруш ва меҳнат фаҳрийлари кенгашининг раиси, асли касби ўқитувчи бўлган Турсун ака Эргашев у ҳақда ғоят илиқ сўзларни айтди:

— Ўзининг 50 ёшини қаршилаган Эркинжон Ғозғонда туғилган. Унинг етти пушти тоштарош ўтган. Эсимда, боболари битган лавҳаларда шундай мисралар бор эди:

Ҳар ким еса бу товоқдан таом,
Юз йил яшаб-яшнасин мудом!

Ҳа, бетакрор мармар лаганлар, мармар буюмлар Эркин Абдуллаев ва унинг авлод-аждоди қўли гул ҳунаридан шоҳидлик бериб турибди. Халқимизнинг бу азалий ҳунари ана шундай фидойи, жонкуяр инсонлар меҳнати орқали авлоддан-авлодга ўтаверади!..

Ҳамид ИКРОМ

Суратда: Эркин Абдуллаев (чапда) устози Турсун ака Эргашев билан.
Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

«Сардор»нинг сара маҳсулотлари

Нишон туманидаги «Сардор» хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси 1995 йилда ташкил топган. Ўша йилнинг ўзидаёқ 1370 минг товар айирбошлашга эришилган бўлса, бу кўрсаткич 1998 йилда 9620 минг сўмни ташкил этди.

Хўш, бундай ютуқларга қандай эришилди? Сир эмаски, кўпгина кичик корхоналар, фирмалар, ўз тизимларида қайд этилгани асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари лозим. Бироқ уларнинг кўпчилиги савдо билан чекланиб қолмоқдалар. Лекин «Сардор»да унақа эмас. Бу ерда озиқ-овқат, кийим-кечак, хўжалик, маданий моллар ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, «Нишоннинг қоғозли қанди»нинг таърифи бутун вилоятга кетган.

Биргина кўк чой қадоқлаш 1992 йилда 1560 кг.ни ташкил этган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 2400 кг.га етди. Энг муҳими бу ерда аҳоли эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилади.

«Сардор» тумандаги ижтимоий ҳимоянинг барқарор бўлишида ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Соф фойда ҳисобидан турли тадбирларда фахрийларга, етим-есирларга, ногиронларга меҳр-мурувват тарқасида озиқ-овқат маҳсулотлари улашиб келмоқда. Тумандаги «Мустақиллик» болалар боғчасини оталиққа олган.

Илҳом КАРОМОВ.
Суратларда: сотувчи Матлуба Чориева, фирманинг бир гуруҳ ходимлари.
Абдурасул ПАРДАЕВ олган суратлар.

Теннисчиларимиз жаҳон лигасида

Спорт

Мухлислар теннисчиларимизнинг Япония сафарига катта умид боғлашганди. Боиси, тонготар мамлакатнинг Айзу Вакамацу шаҳрида «Дэвис кубоги» учун курашнинг жаҳон лигасига чиқиш учун саралаш учрашувида қатнашиш кўзда тутилганди. Олег Огородов, Вадим Куценко, Дмитрий Томашевич, Темур Ғаниевлардан иборат жамоамиз ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қилдилар. Биринчи кун баҳсларидан кейин ҳисоб 1:1 бўлиб қолди. Куценконинг Сузукига 3:6, 4:6, 5:7 ҳисобида ютқазиб қўйиши умумҳисобни тенглаштирган эди. Кейин Олег Огородов — Матомурани (2:6,7:6, 6:2, 7:6) мағлубиятга учратиб, жамоадошларини олдинга олиб чиқди. Лекин учинчи куни Огородовнинг Сузуки билан салкам 3 соат давом этган баҳсида имконият бой берилиб, умумий ҳисоб яна тенглашди — 2:2. Энди теннисчиларимизнинг умидлари Куценко билан Камока учрашувида бўлиб қолди. Дмитрий бутун маҳоратини ишга солиб (7:6, 6:4, 6:3) ғалаба қозонди ва умумий ҳисобни 3:2 га етказди. Шундай қилиб теннисчиларимиз бу зафардан кейин жаҳон лигасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Полвонларга — «Тико», «Дамас», «Нексия»

Термизда кураш бўйича ўтказилган навбатдаги халқаро мусобақа ўзига хос байрамга айланди. «Ал-Ҳаким ат-Термизий» хотира соврини учун ўтказилган бу мусобақа тўртинчи марта уюштирилди. Беллашувлар юртимизда, қолаверса бутун дунёда спортнинг ўзбекона кураш турига қизиқиш ортиб бораётганини кўрсатди. Курашда ҳалоллик, мардлик ҳамда ҳакамликдаги холисликни хорижлик мутахассислар эътироф этишмоқда. Мусобақага ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилган эди. Биринчи куни кучлилар сараланди. Якшанба куни эса чорак, ярим ва финал беллашувлари бўлди. Сурхондарёлик Махтумқули Маҳмудов «Камолот» жамғармаси томонидан ажратилган «Тико» машинасини қўлга киритиб Осиё чемпиони номига сазовор бўлди. Чунки мутахассислар бу мусобақага Осиё чемпионати мақомини беришган эди. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги соврини — «Дамас» машинаси эса Баҳром Аваэовга насиб етди. Таниқли полвонлар Эрали Маҳмарасулов билан Тоштемир Муҳаммадиев беллашуви кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Бу сафар Тоштемирнинг қўли баланд келиб, Президент соврини — «Нексия» машинаси калитини қўлга киритди. Бир сўз билан айтганда бу мусобақа шу ой охирида Тошкентда бошланадиган жаҳон чемпионатига тайёргарликнинг муҳим босқичи бўлиб қолди.

Олимпиадани кўзлаб

Маълумки, Сидней олимпиадасига футболчилар шу кунларданоқ қизғин ҳозирлик кўришни бошлаб юборишган. Хусусан Осиё минтақаси мамлакатлари футбол жамоалари 9 гуруҳга бўлинган бўлиб, улар орасидан фақат омадлари чопган 3 жамоанинг олимпиада финал учрашувларига йўлланма олиши кўзда тутилган. Ўзбекистон олимпиадачилари дастлабки учрашувни ўз майдонларида Қирғизистон футболчилари билан ўтказишди. Ўйиннинг 29-минутида Рашид Ғофуров ҳисобни очди. Танаффусдан кейин, 59-минутда Анвар Бердиев ғалабани мустаҳкамлади. Ўйин тугашига 4 минут қолганда Анвар яна ўзини кўрсатиб, ҳисобни 3:0 га етказди. Шундай қилиб, футболчиларимиз учрашувни ғалаба билан бошлаб, мухлисларда умид уйғотишди.

Қариялар мамнун бўлишди

Тошкентдаги 10 минг аҳоли яшайдиган Усмон Юсупов номли маҳаллада бўлиб ўтган Наврўз шодиёналари қарияларни эъзозлаш маросимига айланиб кетди. Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай садолари кексаю ёшни, узоқ-яқиндан келган меҳмонларни маҳалладаги 237-мактабга чорлади. Дастурхонга эса сумалак, кўк сомса, чучвара, палов ва бошқа неъматлар тортилди.

Байрам тантанасининг асосий мавзуи маҳалланинг отахону онахонларини эъзозлаш, соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига бағишланди. Чунончи, қарияларга мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари анвойи гуллар тақдим этишди. Маҳалла раҳбарияти эса уларга совғалар тақдим қилишди. Отахону онахонларнинг ёшларни юксак ахлоқ руҳида тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига таҳсинлар айтишди.

Наврўз шодиёналари куй-қўшиқлар, ажойиб рақсларга уланди. Хуллас, бу тантаналар ёшу қарида ўчмас таассурот қолдирди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

(Газетанинг навбатдаги сони 10 апрель, шанба куни чиқади).

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-72-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Алишер РЎЗИЕВ*, навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 24.045 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0265

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди 21.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА